

Чикаго шаҳрида имом-хатибларимиз мавъизалар қилиб бердилар



12:20 / 25.04.2022 1554

Аввал хабар берганимиздек, юртимиз имом-хатиблари АҚШнинг Иллинойс штатидаги Чикаго шаҳрида бўлиб турибдилар.

Чикаго шаҳрида ҳам имом-хатибларимиз илмий-маърифий суҳбат қилиб бердилар. Хусусан, Тошкент шаҳри «Новза» жомеъ масжиди имом-хатиби Жалолиддин домла Ҳамрақулов ва «Сирож Солиҳ» жомеъ масжиди имом-хатиби Ҳасан домла Қодиров шу ерда истиқомат қилаётган ватандошларимизга долзарб мавзуларда илмий суҳбатлар қилиб бердилар.

Кейин Муҳаммад Айюб домла Косоний юртдошларимизнинг саволларига жавоб бериб, улар билан самимий мулоқот ўтказдилар.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистондан ташриф буюрган уламоларимизнинг АҚШдаги илмий учрашувлари 2-майгача давом этади.

Бизни кузатишда давом этинг.